O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 24 май ЧОРШАНБА

№ 40 (11.843)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Бекобод тумани: ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

1. ДАЛВАРЗИН ХОРИЖГА ИНТИЛМОҚДА

Бугун Чаноқ, Ойбек, Улуғбек қишлоқларини айлансангиз, бир киши умричалик муддатда Далварзин чўлларининг қиёфаси қанчалар ўзгартириб юборилганлигидан ҳайратга тушасиз. Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари Фарғона водийсидан, Тошкент шаҳрининг атроф туманлари ва Зарафшон воҳасидан кўчиб келган меҳнаткаш инсонлар ертўлалар, қамиш капалар, чайлаларда яшаб, қақроқ тепаликларни текислаб, янтоқзор ва қиёқзор ерларни тозалаб, пахтазорларга айлантиришди, мевазор ва токзорлар барпо этишди.

Минг йиллардан буён ҳолсиз, хансираб ётган унумдор ерларга сув олиб келишди. Ўша жасоратли инсонларнинг фарзандлари бугун мўл ғалла, пахта, мева етиштириб, унинг бойликларини янги ижтимоий-сиёсий қиёфада қайта тикланиб бораётган мустақил Ўзбекистон келажагига хизмат қилдиришаяпти, она юрт шуҳратини етти иқлимга ёйишяпти.

«Далварзин таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти раҳбарининг иш хонасига киришимиз билан узун столнинг тўрига ўрнатиб қўйилган учта байроқ эътиборимизни тортди. Корхона раҳбари Абдухалил Восидов буни сезиб, изоҳ берди:

— Бугунги кунда Швейцариянинг «SAFT» фирмаси, Россия Федерациясининг Ставрополь ўлкасидаги «Гидроагрегат» заводи билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ниятимиз шуки, уларнинг ёнида олис-яқин хориждаги бошқа давлатларнинг ҳам байроқлари пайдо бўлса. Биз шу йўлда ҳаракат қилаяпмиз. Хорижлик ҳамкорларимиз сафи ортиб боришига ишончимиз кучайиб бораяпти. Бугун хорижлик бошқа ишбилармонлар ҳам корхонамиз имкониятлари, биз билан ҳамкорлик улар учун қандай истиқболлар очиши мумкинлиги билан қизиқишаяпти.

Корхонада таркибий қайта қуриш дадил амалга оширилянти. Бўш биноларнинг бирида Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси барпо этилди. Шу кунларда хорижлик усталар раҳбарлигида тўқимачилик корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаб, тола олинадиган технологик ускуналар ўрнатилмоқда. Шу ерда лойиҳа менежери Перси Вересурия билан суҳбатлашдик.

— Фирмамиз бу лойиҳани амалга оширишга жиддий киришди, — деди у. — Монтаж ишлари жадал кетаяпти, янги-янги мутахассислар келишиб, ишни тезлатаяпмиз. Яқин ойлар ичида технологик жараённи ишга туширамиз.

Шу кунларда Европа мамлакатлари, Туркиядан асбоб-ускуналар келтириляпти. Улар ўрнатилиб, созлангач, янги қўшма корхона 5 минг тоннагача чиқиндини қайта ишлай бошлайди.

— Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида ҳар йили 25 минг тоннагача шундай чиқиндилар тўпланишини ҳисобга олсак, қўшма корхонамизнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш имкониятлари ниҳоятда катта эканлигини пайқаш қийин эмас, — деди Абдухалил Восидов.

— Корхона тўла қувват билан экспортга ишлайди, — қўшиб қўйди лойиҳа менежери Перси Вересурия.

Лойиҳа харажатларининг 60 фоизи хорижий сармоя ҳисобига бўлади. Қолган сарф-харажатлар «ДТЗ» акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланяпти. Қўшма корхона ишга тушиши билан 20-25 янги иш ўрни очилади.

Шу аснода уч-тўрт йил илгари Бекобод туман ҳокимлигида бўлган суҳбатни эсладик. Хорижий сармояларни туман ишлаб чиқаришига жалб қилиш муаммоси ҳақида гапириб, ўшанда ҳоким:

— Бекобод — вилоятнинг энг чекка тумани, — деган эди. — Коммуникациялар тармоғи яхши шакилланмаган. Шу боис хориж сармоядорлари биз томонларни четлаб ўтишади.

Лекин «ДТЗ» акциядорлик жамияти раҳбарининг хонасидаги байроқлар бу умидсизлик барҳам топганлигини, баъзи «башоратчилар»нинг даъволари чиппакка чиққанлигини тасдиқлаб турибди. Россия ишбилармонлари билан яқин ҳамкорлик ишлаб чиқаришни жонлантирмоқда. Бугун корхона цехларини айлансангиз, Д240 двигателларини капитал таъмирлашда асқотадиган эҳтиёт қисмларнинг 30 фоизи шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилаётганлигини кўриб, дилингиз яйрайди.

— Малакали токарлар етишмаяпти, — деди Абдухалил Восидов цехлардаги иш жараёнлари билан танишиб юрганимизда.

Бу ҳам қайта тикланиш босқичига хос гап, албатта.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

Фуқаролар йиғинларида сайлов

ЮТУҚ – МАҚСАД ВА ОМИЛКОРЛИКДА

Ижтимоий ҳаётимиздаги муҳим жараён — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар қизғин паллага кирди.

Хусусан, вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг иккинчи босқичи — шаҳарча, қишлоқ фуқаролар йиғинларида оқсоқоллар сайлови бошланди.

Иккинчи босқич ҳисобот-сайлов йиғилишларидан бири яқинда Қибрай туманидаги Тузел қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Қишлоқда амалга оширилган икки ярим йиллик ишлар муҳокама қилинди.

Тузел тумандаги анча илгари ташкил топган қишлоқлардан. Мустақиллик йилларида нафақат унинг қиёфаси, балки, кишилардаги эркин фикрлаш, янгича дунёқараш тубдан ўзгарди. Каттаю кичик енг шимариб, биргаликда иш юритмоқда. Ўтган икки ярим йиллик муддатда бу жараён изчил тус олиб, ўз самарасини бермоқда.

— Юртимизда бўлгани каби, — деди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саидаҳмад Мирзакаримов ҳисобот йиғилишида, — ислоҳот жараёнлари ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини атрофлича қамраб олди, турмуш тарзимиз ва онгимизга чуқурроқ кириб борди. Боқимандалик кайфияти чекиниб, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатлари йўлидаги тўсиқлар ортда қолди. Юртимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги изчил ислоҳотлар муваффақиятларимизга асосий кафолат бўлмоқда. Қолаверса, фидойи, меҳнаткаш халқимиз бутун истеъдодини, имкониятини ва кучини сафарбар қилиб, мустақиллигимизнинг буюк истиқболига интилиб, Ватаннинг қадр-қиммати, миллатнинг шаънини баланд кўтаришга интилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ 10 та маҳалладан иборат. 11 минг 200 нафардан зиёд аҳоли 4269 оила бўлиб ўзаро аҳиллиқда яшамоқда. Уларнинг аксарияти ҳудуддаги Туроб Нормуҳаммедов номли агрофирма, Тошкент мева-кўчатчилик тажриба, 90 та фермер хўжаликлари, 15 та кичик ва хусусий корхоналарда меҳнат қилиб, рўзғор тебратиб келмоқда. 3 та ўрта мактаб, 1 та боғча-мактаб ва 1 та мактабгача тарбия муассасаси ёшларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланаётир. Аҳоли саломатлиги учун 2 та қишлоқ врачлик амбулаториялари ишлаб турибди.

2004 йилда қишлоқда ишсиз юрганлар 99 нафар эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида улардан 86 нафари иш билан таъминланди. 2 нафар ўсмир касб-ҳунарга ўқитилди. Шу йилнинг ўтган муддатида 32 киши ишга жойлаштирилди.

Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳам кўнгилларни тўлдирмоқда. Кейинги уч йил давомида вилоят, туман ҳокимликлари ҳамда ҳомийлар кўмагида 14,5 километр газ қувурлари тортилди. Натижада, Исти, Тузел, Баҳор, Арғин, Туакенттепа ҳамда Туроб Нормуҳаммедов маҳаллалари аҳолиси қишки мавсумда газга ортиқча эҳтиёж сезмаётир. 2-Гулзор маҳалласи аҳолиси ҳашар йўли билан ичимлик суви қувурларини тортиб, бу муаммони ҳам ижобий ҳал этди.

Президентимизнинг чорвачилик соҳасини ривожлантириш, тизимда зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган қарорларига асосан ҳудудда зооветеринария шохобчасини қуриш учун ер майдони ажратилди. Тошкент мева-кўчатчилик тажриба хўжалиги жамоаси 2 нафар кам таъминланган оилага соғин сигир олиб берди.

Бундай ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик бор жойда файз, барака бўлади. Бунда ташаббус ва омилкорлик муҳим ўрин тутади. Буларнинг замирида аниқ мақсад ва изчил меҳнат ётади.

Тузел қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Саидаҳмад Мирзакаримовнинг икки ярим йиллик фаолияти сайловчилар томонидан ижобий баҳоланиб, ғайратшижоатли оқсоқолни янги муддатга қайта сайлади.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалиқ шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳар прокуратурасида ҳаракат бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фаоллари билан прокуратура ходимлари ўртасида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ёшларнинг бугунги муаммолари, болалар ва ўсмирларнинг гиёҳвандлик, токсикомания каби иллатлар таъсирига тушиб қолмаслиги, уларнинг жиноят оламига қадам қўйишларининг олдини олиш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ва прокуратура ходимлари нималарга аҳамият бериши кераклиги юзасидан фикр алмашилди.

Ёшларни қизиқтирган барча саволларга ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари батафсил жавоб беришди.

КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, Ўзбекистон Транспорт ва Ҳарбий прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни талабларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ҳужжатларни, фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган жасадлар топилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф муомала қилишга қарши курашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Кенгаш қайд этилган камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш, ушбу соҳалардаги фаолият сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга оид қарорлар қабул қилди.

ЎзА.

ИНСОН МАНФААТИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкентда озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни назорат қилишни ташкил этиш доирасида жазони ижро этиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган икки кунлик семинар бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси ва Конрад Аденауэр номидаги фонд билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Анжуманда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ мамлакатлари бўйича минтақавий мухтор вакили Ханс Кайзер ва бошқалар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Семинарда Ўзбекистон жиноий-ижроия қонунчилиги, жазони ижро этишни индивидуаллаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган халқаро меъёрлар нуқтаи назаридан жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига парламент назоратини жорий этишга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

БИРИНЧИ ДАВЛАТ ГРАНТИ

Навоий Давлат кончилик институтининг Олмалиқ кон-металлургия факультети декани Абдурашид Ҳасанов катта миқдордаги давлат грантини ютиб олди.

А. Ҳасанов раҳбарлигидаги гуруҳ тадқиқотчилари республикада чиқиндиларни қайта ишлаш, темир хом ашёларини излаб топиш ва улардан темир олиш муаммолари устида иш олиб бормоқда. Олим А. Ҳасановнинг талаба ва ёш илмий ходимлардан иборат шогирдларининг бундай илмий изланишлари ҳозирданоқ муносиб тақдирланди.

Ойсара ДАДАЕВА.

• Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга

ДАСТЛАБКИ УЧ ХЎЖАЛИК МАРРАДА

Вилоятимиз пиллакорлари мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиб, режа маррасига тобора яқинлашмоқдалар. Айни кезларда бирин-кетин шартнома мажбуриятларини тўлиқ уддалаган ширкат ва фермер хўжаликларидан хушхабарлар кела бошлади.

Хусусан, вилоятимиз хирмонига энг кўп улуш қўшадиган Бекобод туманидаги «Дўстлик», Навоий номли ва «Бекобод» ширкат хўжаликлари аъзолари мавсумда баракали ҳосил етиштириб, муваффақият қозондилар. Ипак қурти парваришлашнинг барча талабларига оғишмай амал қилингани боис, ҳар уч хўжаликда ҳам юқори самарадорликка эришилди.

Айниқса, тумандаги Навоий номли ширкат хўжалиги пиллакорлари ютуғини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар туман хирмонига 23 тоннадан зиёд улуш қўшдилар. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 66 килограммдан куруш тола олинди.

Тармоқда кўп йиллик тажриба ва укувга эга бўлган илғор пиллакорлар Собира Машрапова, Санобар Ўтанбоева, Ойсара Бекмирзаева, Қодир Эргашев ҳар қутидан 100-110 килограммдан ҳосил кўтаришди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: *бекободлик пиллакорлар Мавлуда Раҳмонбердиева ва Ҳаким Тангрикуловлар бу йилги ҳосил чўғидан мамнун.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Сўнгги қўнғироқ

Ўқув йилининг тугашига ҳам саноқли кунлар қолди. Эртага сўнгги қўнғироқ жаранглаб, битирувчи ёшлар катта ҳаёт остонасига қадам қўядилар. Вилоятимиздаги 889 та умумтаълим мактабларида 54100 нафар 9-синф, 18337 нафар 11-синф битирувчилари етуклик гувоҳномасига эга бўладилар.

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Демак, ғоят масъулиятли дамлар келди. Хўш, битирувчиларнинг келажаги хусусида кимнинг фикри қандай? 9-синф битирувчиларидан олинган сўровномаларга кўра, 20742 нафар ўқувчи вилоятдаги, 12030 нафари Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига кириш, 21328 нафари эса, 10-синфда ўқишни давом эттириш истагини билдиришган.

Ўз навбатида 11-синф битирувчиларининг 6493 нафари олий ўқув юртларига, 4733 нафари касб-ҳунар коллежларига, 2669 нафари қисқа муддатли курсларга кириб ўқишни, 4442 нафари эса, тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш корхоналарида ишлашни хоҳлашади.

— Менинг қизим бу йил 9-синфни аъло баҳолар билан тугатяпти, — дейди оҳангаронлик Муқаддас Азимова. — Мафтунанинг орзуси иқтисодчи бўлиш. Шунинг учун 10-синфда ўқишни давом эттирса дейман. Лекин, эшитишимга қараганда, ҳар бир фанни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитадиган лицей, коллежлар ҳам кўп экан. Олий ўқув юртига эса, лицей, коллежни тугатиб ҳам кириши мумкин.

Тўққизинчи синфларни битирувчилар учун вилоятимизда 75 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритаётганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бу йил касб-ҳунар коллежларига 20006 нафар, академик лицейларга 736 нафар талаба қабул қилинади. Умуман олганда, вилоят миқёсида 9-синф битирувчиларининг 60,5 фоизи ўрта-махсус касб-ҳунар таълими билан қамраб олинади. Шунингдек, ҳуқуқий демократик тамойиллар устувор бўлган бизнинг мамлакатимизда, ўқиш, таълим олиш ёки ишлаш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Шу ўринда қибрайлик ишчи Суннатилла Абеновнинг сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

— Мен Қибрайдаги 24-мактабни 2004 йилда тугатганман. Армияга бориб келгач, Геофизика корхонасига қарашли «Бахт» фирмасида қурувчи-бўёқчи бўлиб ишлай бошладим. Устозим Яхшилик Давронбековдан кўп нарсаларни ўргандим. Маошим ҳам ёмон эмас. Ўз ишимни ёқтираман. Қурувчилик — бунёдкорлик дегани. Келгусида яна билим ва тажрибамни ошириш учун лозим бўлса ўқишни давом эттириш ниятим йўқ эмас. Муҳими, бекор юрмасдан, бирор иш билан банд бўлган маъқул.

Сайёра ЭШМАТОВА.

СУРАТДА: *Бўка туманидаги 5-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Дилдора Ҳамроқулова ўқувчиларга дарс ўтмоқда.*

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

2. КЎЛАМ КЕНГ, МАЗМУН ЯНГИЧА

Бекобод тумани: ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

Қадим-қадимдан меҳр-оқибатли, мурувватли, ҳамиятли, саховатли халқмиз. Овқат сузилса, биринчи косани, тандирдан нон узилса, икки жуфтгинасини қўни-қўшниларга узатиш аждодларимиз, момоларимиздан мерос фазилат. Ҳеч қачон хонадонларимиз кўпга дастурхон ёзиб, топган-тутганини меҳмонлар билан баҳам кўришдан оғринмаган. Қийналганнинг қўлтиғидан олиб, қоқилганни суяб, толиққанга мадад кўрсатиш хислатимиз Мустақиллик йилларида янгича жилоланиб, яна ҳам кенг кўлам ва куч касб этаётир, унчалик оддий бўлмаган ўтиш даври муаммоларини бартараф этиш имконларини очаётир.



СУРАТЛАРДА: марказий шифохонанинг ички кўриниши; ҳамшира Мавлуда Ражабова ва олий тоифадаги шифокор Шодивой Мусаев муолажа вақтида.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили жамиятимизда бу қадимий анъана давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар, корхоналар, бағрикенгликни ўз хаттиҳаракатларининг мезони деб билувчи барча замондошларимиз саъй-ҳаракатларини бирлаштирди. Шу кунларда, айтайлик, Бекобод туманининг шаҳарча ва қишлоқларида бўлсангиз, саховатпешаликнинг турли кўринишларига гувоҳ бўласиз.

— Марказий шифохонамиз хийла таъмирталаб бўлиб қолган эди, — дейди бош шифокор Ҳусан Тўрабеков. — Ҳозир биноларимизни, беморлар даволанаётган бўлимлар, палаталаримизни ўзимиз ҳам таниёлмаймиз. Замонавий андозалар асосида, ниҳоятда қисқа муддатда бажарилган таъмирлаш ишлари унинг қиёфасини шу даражада ўзгартириб, муолажа жараёнлари такомиллаштирилишига олиб келди.

Бош шифокоргина эмас, балки бу ерда даволанаётган беморларгача ғоятда мамнуният билан таъкидлаётган бу таъмирлаш-ускуналаш ишлари «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан амалга оширилди. Корхона бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Александр Фармонов бу шифохонани таъмирлаш, янги, замонавий даволаш ускуналари билан қайта жиҳозлаш дастурини тасдиқлаётиб:

— Шундай қилайликки, амалга оширилган ишларимиз пировардида туманда даволаш-профилактика жараёнлари сифати кескин яхшилансин, — деди. — Бунинг учун маблағни ҳам, бошқа моддий ресурсларни ҳам аямайлик. Шунда одамларимизда турмушимиз чиндан ҳам ўзгариб бораётганлигига, бу ҳаётда ҳеч ким, ҳеч нарса эътиборсиз қолмаслигига, эртанги кунимизга ишонч мустаҳкамланади. Улар бу умидли дунё нашъу намосини чинакамига ҳис қила бошлайдилар. Айни шу жиҳат қалбларда маънавий ўзгариш ясайди, дилларда Ватан туйғусини кучайтиради. Биз бу борадаги жамики ишларимизни бугунги ҳаётимизнинг энг мўътабар санаси — мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаймиз.

Дарҳақиқат, кўнгил очиқ бўлса, сармояга барака киради. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Зафар шаҳарчаси, туман қишлоқларида амалга оширилаётган ишлар бунинг тасдиғидир. Маҳаллаларда бўлсангиз, ўз моддий аҳволини яхшилаб олиб, эртанги кунга ишонч билан қараётган, меҳнат билан ўз бахтини барқарор қилишга бел боғлаган кишиларни кўп учратасиз. Чунончи, кўп болали, кам таъминланган 29 оила саховатли инсонлар кўмаги билан шу кунгача қорамолли бўлди.

— Бу иш ҳам давом эттирилади, — дейишди туман ҳокимлигида. — Йил охиригача 149 та шундай оилаларга соғин сигирлар тарқатишни кўзда тутганмиз.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» туман дастурига кўра, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини аниқ йўналишли моддий ва маънавий ёрдам билан қамраб олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳозиргача фақат бюджет маблағлари ҳисобидан 67,9 миллион сўмлик шундай ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар эса бу мақсад учун 880 миллион сўм сарфлашди. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда «Корхона-маҳалла» тамойили алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолдирилаётгани йўқ. Маҳаллаларда фаоллар ёлғиз яшовчи кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эҳтиром кўрсатишаяпти. Етим, ногирон болалар ҳам меҳр-мурувват билан қамраб олинган.

— Шу йилнинг дастлабки уч ойида 433 та янги иш жойларини барпо этиш режалаштирилган эди, — деди туман меҳнат ва ижтимоий муҳофаза бўлимининг мудири Илҳомжон Раҳматов. — Буни қарангки, амалда 771 та иш ўрни очилишига эришдик. Аввало, туманимизда хусусий корхоналар жадал ривожланиб бораётганлигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Янги иш жойларининг 261 таси уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

— Дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлик ҳаракати жадал ривожланаяпти, — тасдиқлайди савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат марказининг раҳбари Тўлқин Раҳмонбердиев. — Шу йилнинг уч ойида 38 та хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни мўлжаллаган эдик. Амалда 228 хусусий корхона ишга киришди. Бу соҳада 6,5 баробар ўсишга эришилди. Табиийки, бу юзлаб янги иш жойлари дегани.

Инсоннинг кимлигини илғаш қийин эмас. Лекин инсонийликни ҳис қилиш бошқа гап. Унга хос фазилатлар ниҳоятда бағрикенгликни, дил ва қўл очиқлигини одамларга мурувват кўрсатишга интилиб яшашни тақозо қилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу фазилатлар айниқса, кенг намоён бўлмоқда. Ахир, «Фарсунод» фермер хўжалиги 6-умумтаълим мактабига 1,4 миллион сўмлик синф парталари олиб берганлигини бошқача қандай изоҳлаш мумкин? Шу мактабда ўқувчилар кутубхонасини янги асарлар билан тўлдиришга бағишланган хайрия тадбирида ҳомийлардан бир миллион сўм маблағ тушганини-чи?

Шу кунларда Зафарда янги спорт мажмуасини ташкил этишга киришилди. Бу хабар тарқалиши билан турли фирма ва фермер хўжаликлари соҳиблари бу ҳаракатни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга киришишди. Натижада, шу мақсад учун қисқа муддатда 7 миллион сўм маблағ жамғарилди. Зафар маданият ва истироҳат боғи ҳам ҳомийлар кўмагида ободонлаштириляпти. Бу ерда жами 125 миллион сўмлик иш бажарилиши керак. Боғ Мустақиллик байрами арафасида дам олувчиларни ўз бағрига олади.

Бугуннинг гапи

Тарихга назар ташласак, Шарқ ўзининг бозорлари, савдо-сотиқ маданиятининг юксак даражада ривожланганлиги билан ҳам дунёда машҳур бўлганлигини кўрамиз. Халқнинг турмуши ва давлатларнинг иқтисодий қудрати билан боғлиқ масалалар ҳаётнинг табиий ўзанида шаклланганлиги ҳамда қарор топганлиги туфайли барқарорлик касб этган. Асрлардан-асрларга ўтган.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ УСТУН

Бугунги кунда улгуржи савдо тизимини янада такомиллаштиришни, шартномавий муносабатларни тартибга солишни, бориш қийин бўлган олис ҳудудлар аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, бир сўз билан айтганда, соҳада ислоҳотларни чуқурлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 23 февралдаги "Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чоратадбирлари тўғрисида" ги Фармони ва унинг ижроси ҳақида вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Турғунов билан суҳбатлашдик.

— Аввало, мазкур Фармондан кўзланган мақсад ҳақида гапирсангиз.

— Савдо базаларидан чекка ҳудудларга, бориш қийин бўлган қишлоқларга товарни етказиб беришда масофа узайгани сайин маҳсулотга қўйиладиган устама фоиз ҳам кўпайиб бораётганлиги кузатиляпти. Ҳужжатда биринчи галда соҳани бозор тамойиллари асосида ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, маҳсулот устига қўйиладиган хизмат ҳақи кўпайишининг олдини олиш, воситачиларни камайтирган ҳолда маҳсулотни имкон қадар истеъмолчига тўғридан-тўғри етказиб беришни йўлга қўйиш, барқарор шартномавий муносабатлар учун шароит яратиш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун истеъмол товарларининг асосий гуруҳлари бўйича ҳудудий базалари тармоқларига эга бўлган ихтисослаштирилган республика улгуржи базаконторалари шакллантирилади. Унинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси ташкил этилади.

— Бориш қийин бўлган ҳудудлардаги чакана савдо корхоналарига имтиёз белгиланганми?

— Улар беш йил муддатга мулк солиғи тўлашдан озод этилади. Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб олис қишлоқларда янги ташкил этилаётган савдо корхоналари учун рўйхатга олиш йиғими суммаси битта энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланган.

— Ўзбекистон Президентининг юқорида номи келтирилган Фармони ва «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан вилоятда қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Вилоят ҳокимлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижро учун жойларга юборилди. Шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда мутасадди бошқарма бошлиқларига аниқ топшириқлар берилди. Фармон ва Қарор ижросини таъминлаш бўйича доимий асосда ишловчи вилоят комиссияси тузилди. Жойларда семинар-йиғилишлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Вилоят ҳудудида жойлашган Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ "Гўшт-сут-савдо" улгуржи савдо базаларини янги ташкил этилган "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси таркибига киритиш таклифи берилди. Бориш қийин бўлган ҳудудлар аҳолисининг зарурий товарларга бўлган эҳтиёжи ўрганиб чиқилиб, эндиликда бу маҳсулотларни мунтазам етказиб беришнинг тадбири кўриляпти.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс».

ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ ПСИХОЛОГЛАРИ

Пойтахтимиздаги Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «2006 йилнинг энг яхши мактаб психологи» республика кўрик-танлови якунланди. Унда шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб чиққан ўн тўрт нафар педагог-психолог иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида таълим сифатини янада юксалтиришда педагоглар масъулиятини ошириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу жараён эса ўқувчилар қалбига йўл топа билиш, дунёқараши, руҳиятини мукаммал ўрганишни талаб этади. Юртимизнинг салкам ўн мингга яқин умумтаълим мактабида фаолият олиб бораётган педагог-психологлар айнан шу жиҳатларга пухта ёндошиши зарурлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

Танловда Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 178-умумтаълим мактаби вакиласи Румира Мансурова биринчи ўринни қўлга киритди.

ЎзА.

ХЎЖАЛИКНИНГ ИҚЛИМБОП НАВЛАРИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига малакали мутахассис кадрлар етказиб бераётган Тошкент Давлат аграр университети ўзининг мустаҳкам ўқув-ишлаб чиқариш негизига эга. Олий ўқув юртининг кўп тармоқли йирик ўқув-тажриба хўжалиги фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган.

У кадрлар тайёрлаш тизимининг учинчи таркибий қисми, яъни таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунликда олиб боришни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Беш минг гектардан ортиқ ҳудудга эга бўлган ўқув-тажриба хўжалигида пахта, бошоқли дон, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштирилмоқда. Хўжаликда олий ўқув юрти олимлари амалга ошираётган илмий кузатишлар натижалари муваффақиятли синаб кўрилмоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалиги экинларининг бир неча истиқболли навлари ҳам яратилди. Жумладан, «Адолат» пахта навини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Тарвузнинг «Олмос», шолғомнинг «Куз ҳадяси» навлари эса Давлат реестрига киритилди. Бодрингнинг «Магистрант» нави синовдан яхши ўтди.

Акбар АЛИЕВ.

ЕВРОПАЛИКЛАР НИГОҲИДА

Бельгиянинг Лувен Католик университетида (ЛКУ) Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланиш йилларидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги тажрибасини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

У Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ҳамда ушбу мамлакатдаги Европа ва халқаро сиёсат институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон элчиси В. Норов давра суҳбати иштирокчилари эътиборини Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган дунёвий демократик жамиятни барпо этиш борасидаги тажрибасига қаратди. Бунда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида дуч келинган ва жамият ўз тараққиёт моделини танлашда муҳим аҳамият касб этган муаммоларга алоҳида тўхталди. Тадбир қатнашчиларининг замонавий Ўзбекистон ҳаётининг турли қирраларига доир саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

«Жаҳон» АА.

СОЛИҚ БУРЧИ — ҲАММАГА БАРОБАР

Асосий иш жойидан ташқари бошқа жойдаги меҳнатига ҳақ олаётган фуқароларимиз ўша даромади хусусида ҳар йилнинг 1 апрель кунига қадар доимий яшаш жойидаги солиқ органига декларация топширадилар. Биз бу хусусда Ўртачирчиқ туман давлат солиқ инспекциясининг Жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи Одил Донаев билан суҳбатлашдик.

— Ўриндошлик йўли билан, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида бир марталик ишлар ва хизматларни бажариш, кўчмас мулк ҳамда кўчар мулкни ижарага бериш орқали олинган ва шу каби бошқа даромадлар бўйича декларация тошириладi, — деди у. — Ушбу ҳужжат асосида йиллик умумий даромад бўйича ҳисоблаб чиқилган даромад солиғи 1 июнга қадар бюджетга тўлиқ тўланиши лозим. Агар жами йиллик декларация асосида ортиқча даромад солиғи ушланган бўлса, бу сумма қайтариб берилади ёки кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилиши мумкин.

Ҳозиргача туманда 355 нафар жисмоний шахс бундай декларацияларни тўлдирди. Улар бу жараёнда ортиқча вақт сарфламаслиги ва декларация юзасидан туғиладиган турли саволларга аниқ жавоб олишлари ҳамда ҳужжатларни тўлдириш, расмийлаштириш ишлари учун масъул ходим бириктирилган. Айтиш жоизки, солиқ идоралари мулкчиликнинг барча шаклидаги ҳар бир корхона ва ташкилотдан штатдаги ходимлар, ўриндошлик билан ишловчилар тўғрисида маълумотлар олиб, умумлаштириб боради. Шу боис, солиқчи назаридан четда қоладиган даромад манбаи бўлиши мумкин эмас. Атайлаб бўйин товлаб юрган ва ўз мажбуриятини бажармаган 9 нафар фуқаро огоҳлантирилди. Солиқ қонунчилигимизда даромад солиғига оид қатор имтиёзлар мавжуд. Мисол учун айрим тоифадаги жисмоний шахслар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганларида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қисман ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдоригача озод қилинишлари белгиланган. Ушбу моддада белгиланган имтиёз жисмоний шахсларнинг дивидендлар бўйича даромадларига ҳам татбиқ этилади. Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан дивиденд ҳолида олинган даромадлар 5 йил муддатга солиқдан озод қилинган. Юртбошимизнинг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидан дивиденд тарзида олинган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортилмайди.

Алимардон ҲАСАНОВ.



Даврон АҲМАД олган сурат.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, замон талабларига мос ўқув муассасаларида ёшларнинг пухта билим эгаллашлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Жумладан, вилоятимизнинг шаҳар-туманларида ёшларни турли касб-ҳунарларга йўналтирувчи коллеж ва лицейлар таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Айни кезларда ана шундай муассасаларда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ташкил этилмоқда.

Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирга тумандаги барча умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари жалб этилди. Амалиётчи ўқитувчилар йиғилганларни коллежнинг ўқув жараёни, мутахассисликларнинг турлари ва жаҳон талабларига мос келадиган ўқув имкониятлари билан таништиришди.

Мўмин ИБОДОВ.

СУРАТДА: *Мунаввар Камолова талабалар даврасида.*

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида 2006 йил 27 июнь куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

Тошкент вилояти «SUVNAZORAT» инспекциясига қарашли ДАМАС русумли, давлат рақами 10 AR 104, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 770 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза ва 10 фойзлик закалат пулини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Автотранспорт воситаси сотилмай қолган тақдирда 2006 йил 4, 11, 18, 25 июль кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйилади.

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади!

Ушбу объектлар бўйича 2005 йил 24 майдан бошлаб бошланғич баҳосининг босқичма-босқич пасайиш механизми қўлланилади:

1. «Оққўрғон пахта тозалаш заводи» ОАЖнинг устав фондига киритилмаган ижтимоий соҳа объекти, Оққўрғон тумани, Оққўрғон ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Ишчилар ётоқхонаси биноси».

Бошланғич баҳоси – 3 492 687 сўм.

2. Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 11-уйда жойлашган, умумий майдони 334,0 кв.м.га тенг бўлган нотураржой биноси.

Бошланғич баҳоси – 5 682 640 сўм.

Имкониятингизни бой берманг!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Телефонлар:** 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

"Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда тиббий кўмакка муҳтож болалар ва ўсмирлар томонидан тайёрланган бадиий буюмларнинг кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

КЎРГАЗМА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Унинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган болаларни тиббий реабилитация қилиш ва соғломлаштириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Икки кун давом этган кўргазма-ярмаркада йигирмага яқин махсус мактаб-интернат, болалар бадиий ижодиёти, реабилитация марказлари ўқувчилари томонидан тайёрланган рассомлик, ҳайкалтарошлик, миллий каштачилик, миниатюра намуналари, ўйинчоқлар, турли рўзғор буюмлари намойиш этилди.

Миробод туманидаги 57-ёрдамчи мактаб, "Санвикт" Ногирон болалар илмий-тадқиқот санъат маркази ўқувчилари тайёрлаган безакли эсдалик буюмлар, расмлар, матолар, ўйинчоқлар ҳам хорижлик меҳмонлар эътиборига сазовор бўлди.

ЎзА.

Маънавиятимиз жонкуярлари

ҚУШГА ҚАНОТ – ИНСОНГА БАХТ

ёки «Маънавият ва маърифат» маркази Пскент тумани бўлими тарғиботчиси Башорат Сатторова суратига баъзи чизгилар

Баъзан шундай бўлади: хонангизга фавқулодда бир ёруғ нур тушади, ё бўлмаса, деразадан қалдирғоч шитоб билан учиб киради-ю, ўз полопонларига емиш улашиб, яна ўқдек ташқарига отилади. Ана шунда беихтиёр жилмайиб қўясиз. Худди қоятош остидан сизиб чиққан булоқ каби сокин, салқин, покиза бир шодлик сизга ҳам юқади, кўнглингиз гупиради.

Ҳар сафар Тошкентдами, Пскентдами, ҳар хил тадбирлару издиҳомларда бўлсин, Башоратхон билан омонлашганимда, ўша ёруғ нур, ўша қалдирғоч, ўша «тошлар товонидан» сизиб чиққан чашма кўз ўнгимда гавдаланаверади. Унинг мулойим, дилхуш табассуми, беозор, дадил қарашлари, сўзларни меъёрида, чертиб-чертиб гапиришлари, овозидаги қатъийлик, ҳаракатларидаги дадиллик ва ниҳоят, аёлларга хос ички одоби сизни ҳам ўзига ром этиб қўяди. Тўғри, Башорат Сатторова ҳозир мен айтаётган ҳалим мақтовларга муҳтож эмас, унинг феълидаги қайсарлик, тўғрисўзлик, қатъиятлилик бунга йўл қўймайди. Бундай кишилар қай соҳага қўл урмасин, уддалай олади, ҳамиша олдинги сафларда бўлиб, одамларни ўз ортидан эргаштира олади.

Таржимаи ҳолидан лавҳалар: Башорат Абдусаматовна Сатторова, Пскент шаҳрида Абдусамат мироб ва Турсуной ая хонадонида дунёга келган. Тўққиз фарзанднинг бири. Тумандаги 1-ўрта мактабда ўқиди. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Ёшларга етакчилик қилди, сўнгра истиқлол йиллари Ҳушёрлик ва саломатлик, туман ҳокимлигининг ташкилий ишлар, Давлат назорати бўлимларида мутахассис бўлиб ишлади.

1996 йилдан «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими тарғиботчиси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Президент Фармонига мувофиқ бир қатор ҳамюртлари қатори «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

Башорат маънавият ва маърифат тарғиботчиси сифатида жуда кўп ва хўп юмушларни бажаришга улгурди. 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қабул қилинган дастурда маънавият ва маърифат марказлари олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш борасида Башорат етакчилик қилаётган соҳа тарғиботчилари олдинги сафларда боришаётир. Биргина мисол, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими саъй-ҳаракатлари туфайли шу йилнинг ўтган чораги давомида хўжаликларда, корхона ва муассасаларда 100 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Айниқса, ёшлар онгига миллий мустақиллик ғояларини сингдириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатишга ундовчи тадбирлар кўлами ниҳоятда тиғиз.

Мудофаа, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларида, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда касб-ҳунар коллежларида «Миллий армия — мустақиллигимиз кафолати», «Миллий, профессионал армия, уни ташкил қилишдан кўзланган мақсад ва вазифалар», «Армиямиз тинчлик ва барқарорлигимиз таянчи» каби мавзуларда уюштирилган давра суҳбатлари, учрашув ва кечалар фикримизга далилдир. Шунингдек, «Аёл билан олам мунаввар», «Аёл меҳри бамисли қуёш», «Наврўз — баҳор элчиси», «Ассалом, Наврўзи олам» сингари тадбирлар бесамар кетмади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, маънавият марказининг иштироки ҳамда ҳомийлар кўмагида 260 нафар кам таминланган, кўп фарзандли оилаларга, ёлғиз қарияларга байрам совғалари улашилди.

Тадбирларни ўтказиш борасида Башоратнинг ўзига хос фикрлари бор: «Маънавият тарғиботчиси бўлиш ғоятда муҳим хислатларни талаб этади. Одамларнинг дардини тушуниш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўй-рост айта билиш, энг муҳим янгиликларни уларга ўз вақтида етказа олиш ҳам санъат. Баъзи бир раҳбарларга ҳайрон қоласан, учрашувга келадилар-у, индамай ўтириб, чиқиб кетишга ошиқадилар. Менга ялингансимон тикилиб, «Ўзингиз эплайсиз, мен гапга нўноқроқман» дейишади. Одамлар шу раҳбарнинг икки оғиз илиқ сўзига илҳақ эканини тушунишмайди, чоғи».

Маънавият тарғиботчиларини қўллаб-қувватласанг, ҳеч бўлмаса яхши сўз, ибратли ҳаракатинг билан ўзингни кўрсата олсанг, шунинг ўзи маънавият эмасми? Ахир қушга қанот, инсонга бахт керак ақидасига амал қилганларнинг қалби ҳам, чеҳраси ҳам кулиб туриши бор гап-ку!

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

3. ЯНГИ АСРНИНГ ИЛК ҒАЛАБАСИ

Янги аср бошларида Бекобод тумани корхона ва хўжаликлари танг аҳволга тушиб қолганлиги ҳали унутилгани йўқ. Пахтакорлар сўнгги йилларда биринчи маротаба ўтган кузни ғалаба билан якунлашди. Давлатга 40 минг 748 тонна пахта хом ашёси топширилиб, режа 103,7 фоизга бажарилди. Ўртача ҳосилдорлик 23 центнерга кўтарилгани туман пахтакорлари яқин ўтмишдаги шуҳратни қайта тиклашга юз тутганларидан дарак беради.

Бекобод тумани: ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми биринчи бор 60 миллиард 882 миллион сўмни ташкил этди. Унда хусусий бўғин ҳиссаси кескин ортиб, фермер хўжаликларининг улуши 25,7 фоизга, деҳқон хўжаликларининг улуши эса 57,4 фоизга етиб борди.

Бу қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида амалга оширила бошланган кўламли саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Чўкиб қолган ширкатлар замирида фермер хўжаликларини ташкил этиш, деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун берилган имтиёзлар пахта, ғалла, гўшт, сут, тухум етиштириш кўпайишига олиб келаётир. Чунончи, ўтган йили Бекобод чорвадорлари юртга 9,2 минг тоннага яқин гўшт, 35,4 минг тонна сут, 10 миллион 150 минг дона тухум етказиб беришди. Кейинги пайтда молиявий аҳволи танглашиб қолган учта ширкатнинг фермер хўжаликларига айлантирилганлиги бу имкониятларни яна ҳам кенгайтирди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта қуриш деҳқонларнинг қаддини тикламоқда. Шуни айтиш кифояки, бугун фермерлар туман пахтасининг 55, ғалласининг 64 фоизини етказиб беришаётир. Тўрабой Олланазаров, Фурқат Бойзоқов, Абдурашид Рўзиқулов сингари фермерлар муттасил 25 центнердан ошириб пахта, 50 центнердан кўпроқ буғдой етиштиришаяпти.

Бекобод қишлоқларида саноат ишлаб чиқариши кенгайиб бораётганлиги миллий мустақилликнинг қувончли, кўзга яққол ташланадиган жиҳатларидан. Пахта тозалаш заводи, нон маҳсулотлари комбинати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи катта-кичик корхоналарда маҳсулот ҳажми ортиб бораётир. Бу кўрсаткич, масалан, ўтган йили деярли 12 миллиард сўмга яқинлашди. Унинг ҳаммаси нодавлат сектор корхоналарида ишлаб чиқарилди.

СУРАТЛАРДА: *(чапдан) пахта тозалаш корхонаси ишчилари Исмоил Охунов билан Қўчқор Жабборов маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; фермер Эркин Норматов механизатор Юсуф Маҳмудов билан ғўза қатор ораларини юмшатиш масалалари хусусида суҳбатлашмоқда.*

Йиллик ўсиш суръати 6,7 фоизга етди.

Янги технологияларга ўтиш, ускуналарни янгилаш саноат маҳсулотлари сифатини жаҳон андозаларига яқинлаштирмоқда. Натижада туманнинг экспорт салоҳияти кўтарилаётир. Чунончи, сўнгги бир йилда экспорт ҳажми 9,8 фоиз ўсишига эришилди. Бу кўрсаткич 20,8 минг АҚШ долларига тенглашди. Умуман, ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажмининг кўтарилиш суръати тобора жўшқинлик касб этаётир. Шу тариқа унда ижобий сальдо юқорилашиб бормоқда. «ДТЗ» акциядорлик жамияти таркибида ташкил этилаётган «Некапресс плюс» кўшма корхонасининг ишга туширилиши ўз маҳсулотини экспорт қилаётган учта корхона билан қўшилиб, бу жараёнга янада барқарор тус бағишлайди, туман иқтисодиёти кўтарилишига хизмат қилади.

Туманда, айниқса, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш суръати жадал кўтарилиб, бунга хусусий бизнес корхоналари салмоқли ҳисса қўшаяпти. Бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 20,4 фоизни ташкил этаётгани қувончли, албатта. Касаначиликни ривожлантириш, хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш бунда асосий ўрин тутмоқда.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик ва касаначилик кўламлари кенгайиши, табиийки, савдо ва пулли хизматларнинг турлари жадал ривожланишига кучли туртки бераяпти. Зафар шаҳарчаси, атроф қишлоқларда катта-кичик савдо ва маиший хизмат корхоналари очилаяпти. Улардаги кўримли кийим-кечаклар, пишиқ-пухта асбоб-ускуналар, чиройли ўйинчоқлар кўзларни қувонтиради.

Яна рақамларга мурожаат қиламиз. Туманда чакана савдо хизматининг ўсиш суръати 45,9 фоизга кўтарилди. Аҳоли жон бошига чакана савдо кўрсатиш бугунга келиб 142,6 минг сўмга етаётгани асло изоҳ талаб қилмайдиган кўрсаткич, албатта. Унга эришишда кичик бизнес корхоналарининг ҳиссаси ортиб бориб, 35,9 фоизни ташкил этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш туман дастури изчил бажарилаётгани бу муваффақиятларнинг асосини ташкил этаётир. Унга кўра, ўтган йили 110 та хўжалик субъекти ташкил этилиши режалаштирилганди. Амалда бу кўрсаткич анча ошириб бажарилиб, бир йилда 138 та янги хусусий корхона ва фирма иш бошлади. Турли кўринишдаги якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар кўпайиб бораётир. Кейинги бир йилда тадбиркорларга белгиланганидан 32 миллион сўм кўп — 165 миллион сўм кредит маблағи берилди. Бу иш ўринлари кенгайишига олиб келмоқда. Умуман олганда, сўнгги бир йилда туманда 1481 та янги иш жойи очилди. Шу мақсад учун 730 миллион сўм маблағ сарфлангани айтилса, янги иш ўринларининг техник-технологик жиҳозланиш даражаси ойдинлашади.

Ҳа, туман иқтисодиёти барча йўналишларда барқарор ўсиш жараёнида. Ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа пулли хизматлар ривожланиб, нақд пул тушумининг ортиб бориши ободончилик, табиий газ ва ичимлик сув таъминоти яхшиланиб боришига мустаҳкам асос яратмоқда. Қишлоқларни айлансангиз, янгидан қурилаётган уй-жойлар, каттакичик корхоналар бот-бот кўзга ташланади.

Қишлоқлар кенгайиб, янги-янги маҳаллалар шаклланмоқда. Табиийки, бу табиий газ, ичимлик сув ва электр тармоқларини кенгайтиришни тақозо этади. Шу ҳақда гап очилса, туман ҳокимлигида ҳам, қишлоқларда ҳам бир хил гап эшитасиз: сув ва газ тармоқлари муттасил кенгайяпти! Бу — рост гап. Фақат ўтган бир йилнинг ўзида 9,2 километр масофада табиий газ тармоқлари барпо этилди. Янгидан 210 та хонадонга газ киритилди.

Ёки электр тармоқларини олайлик. Якка тартибда қурилган уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш учун бир йўла 12 та маҳаллада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Бунинг учун 6,6 километр узунликдаги янги электр тармоқлари барпо этилди.

Шу йилнинг ўтган ойларида ҳам туман ишлаб чиқаришида шундай жўшқинлик кузатилмоқда. Далварзин ва Бекобод пахта тозалаш ва «ДТЗ» акциядорлик жамиятлари, ўнлаб хусусий корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириб бораётир. Чунончи, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тола ишлаб чиқариш 154, чигит — 153,8, линт — 221,3 фоиз кўпайди. Таъмирчилар қишлоқ меҳнаткашлари учун янги тиркама ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди.

Бекобод туманининг бу йилги юки ҳам шундай ялпи сафарбарликни талаб қилади. Чунончи, мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигини дала меҳнаткашлари деярли 45 минг тонна пахта, 34 минг тоннага яқин ғалла етиштириш билан кутиб олишмоқчи. Ғўза туплари шона кўрсатишга яқинлашиб қолган шу кунларда пахтазорларда иш қизғин.

Ялпи сафарбарликнинг иккинчи йўналиши ғалла ўримига тайёргарлик билан боғлиқ. Бугун машинасоз ҳам, йўлсоз ҳам шу ҳақда ўйлайди. Бундай кайфиятни «ДТЗ» акциядорлик жамиятининг йиғув цехида ҳам яққол ҳис қилдик. Ишчилар автобуслар кузовларини мослаштириб, ғалла комбайнларининг ҳайдовчилари дам оладиган кўчма «шийпон»ларга айлантиришаяпти. Иш навбатини шеригига топширган механизатор шу кўчма ётоқхонада ювиниб, овқатланиши, дам олиши мумкин.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби" Р-2145-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Ангрен кўмир саноати касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Оҳангарон кўчаси, 5/3-даҳаси
2.	Бўка тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Бўка тумани, Бўстон жамоа хўжалиги.
3.	Қуйичирчиқ тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Кўрғонча қишлоғи.
4.	Қуйичирчиқ тумани агросаноат касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Мактаб кўчаси, 3-уй.
5.	Бўстонлиқ тумани қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Амангелди кўчаси, 3-уй.
6.	Қибрай тумани молия-иқтисодиёт коллежи	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй.
7.	Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи	Янгийўл тумани, Халқобод қўрғони, Мактаб кўчаси, 1-уй.
8.	22-(махсус) касб-ҳунар мактаби	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 222-уй.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган таълим муассаса директорининг ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги КҲК.

2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Янгийўл тумани, Гулбаҳор саноат КҲК.
2. Қибрай тумани, Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.

3. Директорнинг касб-ҳунар таълими бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Тошкент тумани, Кенсой қишлоқ хўжалиги КҲК;
2. Янгийўл тумани, Гулбаҳор саноат КҲК.
3. Пскент тумани, қишлоқ хўжалиги КҲК.

4. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Қибрай тумани, Тадбиркорлик КҲК.
2. Тошкент тумани, Кенсой қишлоқ хўжалиги КҲК.
3. Чирчиқ шаҳри, Саноат-иқтисодиёт КҲК.

Таълим муассаса директорининг ўринбосари лавозимига
ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Чиноз тумани, Олмазор қишлоқ хўжалиги КҲК.
2. Вилоят педагогика коллежи.

2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Чирчиқ шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК.
2. Ангрен шаҳар кўмир саноати касб-ҳунар коллежи.

3. Директорнинг касб-ҳунар таълими (ишлаб чиқариш) бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Қибрай тумани агротижорат КҲК.

III. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассасаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Сўровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеро нусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеро нусхаси (тураржойи билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксеро нусхаси;
14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.
Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони.
Телефон: 66-09-59.

АООТ «Таштрансспецстрой»

извещает о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 23 июня в 15.00 часов по адресу: город Ташкент, улица Сугалли Ота, 3.

Повестка дня:

1. Об утверждении регламента и счетной комиссии.

2. Отчет директора АООТ "Таштрансспецстрой" о результатах финансово-хозяйственной деятельности за 2005 год.

3. Отчет ревизионной комиссии о проделанной работе и итогах аудиторской проверки финансовой деятельности предприятия.

4. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, отчета о прибылях и убытках.

5. Отчет председателя наблюдательного совета по итогам 2005 года.

6. Распределение прибыли, определение размера и порядка выплаты годовых дивидендов.

7. Утверждение бизнес-плана на 2006 год.

8. Выборы состава наблюдательного совета.

9. О продлении на 2006 год или прекращении договора-найма с директором АООТ "Таштрансспецстрой".

10. Об утверждении аудиторской организации на 2006 год и размере оплаты её услуг.

11. Разное.

Бухгалтерский баланс по состоянию на 1 января 2006 года

Актив	тыс. сум	Пассив	тыс. сум
I. Долгосрочные активы	**501183**	**I. Источники собственных средств**	**358536**
Остаточная стоимость основных средств	354776	Уставный капитал	36992
Долгосрочные инвестиции	146407	Добавленный капитал	139711
		Резервный капитал	155191
II. Текущие активы	**590080**	Нераспределенная прибыль	26642
Производственные запасы	173253	**II. Обязательства**	**732727**
Дебиторы	348922	Долгосрочные обязательства	7179
Денежные средства	21414	Текущие обязательства	725548
Всего по активу баланса	**1091263**	**Всего по пассиву баланса**	**1091263**

Финансовый результат за 2005 год (тыс.сум)

1.	Чистая выручка от реализации продукции	1263322
2.	Себестоимость реализованной продукции	964168
3.	Расходы периода	241102
5.	Прибыль от общехозяйственной деятельности	51673
6.	Чистая прибыль отчётного периода	47539

Аудиторское заключение подготовлено независимой аудиторской фирмой ООО "Аудит-ВАРН", лицензия Министерства Финансов РУз от 23.08.2001 года № 00172.

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров, составлен на 23 мая 2006 года.

С информацией, подлежащей представлению акционерам при подготовке годового общего собрания, акционеры могут ознакомиться в АООТ "Таштрансспецстрой".

Наблюдательный Совет АООТ "Таштрансспецстрой"

4. МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК – КЕЛАЖАК ҚАНОТИ

Шундайки, ҳар бир давр ўз фарзандларини жиддий синовлардан ўтказади. Бекобод туманидаги 13-умумтаълим мактабининг ўлкашунослик музейига кирсангиз, кўҳна тарих саҳифаларини бир-бир очгандек бўласиз. Музейда жамланган 2700 га яқин экспонат аждодларимиз ана шу синовлардан қандай ўтганликлари ҳақида ҳикоя қилади. Улар турли даврларда аждодларимизнинг меҳнати, ўз Ватани озодлиги учун қандай курашганлигининг гувоҳларидир.

Бекобод тумани: ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

— Ўқувчиларимиз бу экспонатларни кўриб, аждодларимизнинг ҳаёти, меҳнати ва турмуши хусусида тасаввур ҳосил қиладилар, — дейди унинг ташкилотчиси Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Даврон Жўраев. — Биз ибтидоий жамоа тузуми, этнография ва нумизматикага оид бу қимматли экспонатларни туманимиздаги тарихий тепаликларда кейинги олти йил мобайнида олиб борилган қазишмакидирув ишларимиз давомида йиққанмиз. Мана бу ўқ-ёйлар ва бошқа қурол-аслаҳалар ўтмишда кечган оғир жанглар ва курашлардан далолат беради. Биз фарзандларимизни маънавий тарбиялашда мана шу тарихий ёдгорликлардан, аждодларимизнинг бой меросларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бугунги кунда бекободлик ёш спортчилар «Умид ниҳоллари» мусобақаларида ҳам тобора юқори натижаларга эришмоқдалар, спортнинг ҳарбий-техника турларини ўзлаштириб, мустақил Ўзбекистоннинг жасоратли ҳимоячилари бўлиб вояга етмоқдалар.

Маънавий-жисмоний тарбия ҳақида сўз очилса, туман халқ таълими бўлимининг мудири Ўсарали Эралиев гапни болалар боғчаларида амалга оширилаётган ишлардан бошлайди. Тумандаги 29 та мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойларга учинчи минг йиллик боласи дастури асосида таълим-тарбия берилмоқда. Кичкинтойлар ўртасида ўтказиладиган «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақаларида кўпинча Зафар шаҳарчасидаги 2-болалар боғчаси ғолиб бўлади. Бунинг сабаблари кўп. Энг муҳими, бу таълим муассасасида ўз ишига чин дилдан берилган, ташаббускор мураббийлар меҳнат қилишади. Улар кичкинтойлар билан ўтказилаётган суҳбатлар жараёнида мурғак қалбларда Ватанга меҳр туйғусини шакллантириб боришади. Бу туйғу борабора ёшларни ўқишда, меҳнатда собит бўлиш, ҳамиша Ватан ҳимоясига тайёр туриш руҳида тарбиялайди.

Туман мактабларини айлансангиз, ўз касбининг усталари бўлган кўплаб мураббийлар, устозлар билан танишасиз, суҳбатлашасиз. Кейинги йилларнинг ўзида Рисолат Исмоилова, Ғанимат Абдуғафурова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Қосим Ёқубов Ўзбекистон халқ ўқитувчиси унвонларига сазовор бўлишди. Малакали ўқитувчилардан Ўғилой Тенибердиева билан Набижон Бозорбоев биринчи даражали «Соғлом авлод», Эгамберди Юсуфалиев билан Абдуваҳоб Мамадалиев «Шуҳрат», Бозорбой Норжигитов «Дўстлик» орденлари билан тақдирландилар. 19-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Сариқулова сингари педагоглар «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида тобора фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгалламоқдалар.

Ана шундай ижодкор ўқитувчиларнинг изланишлари, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга оширишга бўлган интилишлари туфайли мактабларда давлат таълим стандартларини жорий этиш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Ўтган ўқув йилида бу борадаги изланишлар 76,2 фоиз натижа билан якунланди. Тумандаги 6-, 29-, 28-, 47-, 1- ва 10-мактабларда бу борадаги кўрсаткич айниқса, юқори бўлмоқда.

Таълим-тарбия жараёнларига илғор педагогик технологияларни жорий этиш натижасида мактабларда ўқитиш сифати яхшиланиб бормоқда. Бу ишларнинг натижаси сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Бекобод мактабларининг ўқувчилари фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичларида самарали қатнашмоқдалар. 6-мактаб ўқувчиси Шерзод Мусаев тарих фани бўйича ўтказилган республика олимпиадасида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш фани бўйича эса, 12-мактаб ўқувчиси Ҳусан Раҳматов биринчи ўринни эгаллаб, компьютер билан тақдирланди.

— Мактабимизда фан ҳафталиклари ўтказиш яхши анъанага айланган, — дейди 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳалима Иномова. — Бундай тадбирлар зукко ўқувчиларимизнинг билимдонлик баҳслари билан якунланиб, уларнинг ҳаётида унутилмас хотира бўлиб қолаётир.

Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг шуурига Ватан, юрт ва халқ олдидаги бурчни ҳис этиш туйғусини сингиришда лицей ва коллежларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти каттадир.

Зафар шаҳарчасига кираверишдаги кўркам бир бино Далварзин маиший хизмат касб-ҳунар коллежида туманнинг турли қишлоқларидан келган йигит-қизлар таълим олишади. Муҳташам бу таълимгоҳга қадам қўйишингиз билан руҳингизни ўзгача бир кайфият чўлғаб олади. Кенг, ёруғ қўш қаватли айвонлар, биллур қандиллар, мармар зиналар. Рўпарада мустақил Ўзбекистон рамзлари қалбларни ғурурга тўлдириб турибди.

Дарҳақиқат, ушбу билим даргоҳида ёшларни ижтимоий фаол кишилар қилиб тарбиялаш алоҳида эътиборда. Бу жиҳатдан «Истеъдод» тўгарагида олиб борилаётган ишлар, айниқса, ибратлидир.

«Бола — бошидан», дейди халқимиз. Бугун Бекобод таълим масканларида бўлсангиз, бу шунчаки гап эмаслигини, турмушимиз фаровонлигининг бунёдкорлари бўлиб етишаётган йигит-қизларни тарбиялаш учун кўп ва хўп ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилиб, туман йигит-қизлари эртанги кунга баркамол инсонлар сифатида дадил қадам қўйишмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Сайёра РИХСИЕВА, Даврон АҲМАД (суратлар) «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.





СУРАТЛАРДА: 6-умумтаълим мактабининг кутубхоначиси Гулчеҳра Қирғизбоева ёш китобхоналар билан суҳбатлашмоқда; Далварзин маиший касб-ҳунар коллежи директори Раҳимжон Шукуралиев талабалар даврасида.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...

Шундай ватандошларимиз борки, уларнинг номларини тилга олиб, қалбингиз фахр ва ифтихорга тўлади. Улар орасида атоқли шоир ва давлат арбоби Эркин Воҳидовнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шоир ижодининг ҳар бир зарраси, ҳар бир сатри жўшқин дарёга қиёс қилгулик.

«Турон» илмий-универсал кутубхонаси, Зангиота тумани ҳокимлиги «Маънавият ва маърифат» маркази, марказлашган кутубхоналар тизими ҳамкорлигида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

— Йигирманчи аср ўзбек адабиётининг А. Қодирий, F. Ғулом, Ойбек, Миртемир сингари мумтоз адибларисиз, замонавий адабиётни эса, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов каби ижодкорларисиз тасаввур эта олмаганимиздек, маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Эркин Воҳидовсиз кўз олдимизга келтиролмаймиз, — деди учрашувни очаркан филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов. — Унинг шеърлари, достонлари, ғазаллари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва бошқалар Эркин Воҳидов доимо халқимизнинг дилида, тилининг учида турган гапларни ёрқин тимсоллар, бадиий воситалар ёрдамида айтадиган буюк шоир эканлигини таъкидладилар.

Самимий ўтган анжуманда Эркин Воҳидов ўқиган дилбар шеърлар, айтган фикр ва мулоҳазалари, иштирокчиларнинг саволларига берган жавоблари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Учрашувда тумандаги «Ҳосил» мақом гуруҳи хонандалари ижросида шоир шеърларига басталанган қўшиқлар янгради.

Шавкат ТУРОБ.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

Шундай муҳаббат бўладики, агар у ўз афзалликларини намоён қила бошласа, рашк деган балога ҳеч ўрин қолмайди.

Ф. ЛАРОШФУКО.

Агар эркак киши аёл кишига ҳурматсизлик кўрсата бошласа, кўпинча аёлнинг ўзи бундай номақул муомалага йўл қўйган бўлади.

Д. ДИДРО.

Аёл зотининг манманлигига кўпинча ҳусни сабабчи бўлади.

В. ШЕКСПИР.

Икки улуғ туйғу — дўстлик ва муҳаббат инсонни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборади.

ЖАН ПОЛЬ.

Муҳаббат ўжар қалбларни бўйсундиради, манманларни хокисорларга айлантиради. Лекин унинг бош хислати шундан иборатки, у инсонни юксалтиради ва эзгуликка чорлайди.

М. РИД.

Эълонлар

Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли, 50-уйда жойлашган фуқаро Мирзаева Саодатга тегишли бўлган савдо дўконига берилган 9-192/2004 рақамли бино ва ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Давлат кадастр бошқармаси томонидан 2005 йил 5 декабрда Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 1-уйда жойлашган «London Ventures LLC»га берилган биржада олди-сотдини амалга ошириш ҳақидаги 9-591/2005 реестр рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент маданият коллежи томонидан 2005 йилда Турдиев Зафар Баратович номига берилган К 275602 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти томонидан 2002 йилда Исаханов Улуғбек Адылович номига берилган 092295 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қибрай туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Сидиқова Маъмура Эргашевна номига берилган А 441618 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный аттестат АУ № 296288, выданный в 1993 году средней школой № 88 Юнусабадского района г. Ташкента на имя Первых Ивана Валентиновича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный страховой полис ГАА НКЭИС «Узбекинвест» за № 03/322227312-011 серии А 102115, выданный на имя СП «Uz Auto-Balti» LTD, и за № 03/402132439 серии А 102634, выданный на имя Европейского агентства Sohnut,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

«МЕТАЛЛУРГ» ҲАМОН ЧЕКИНАЯПТИ

Футбол бўйича мамлакат 15-миллий чемпионати олий табақасида қатнашаётган жамоалар навбатдаги 10-тур учрашувларни ўтказдилар.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» Ғузорда «Шўртан» жамоасига қарши майдонга тушиб ўйинни 1:0 ҳисобида бой берди ва ўн турдан сўнг бор-йўғи тўққиз очко билан ўн тўртинчи ўринга тушиб қолди.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Насаф» — 2:0; «Нефтчи» — «Самарқанд-Д» — 4:1; «Андижон» — «Қизилқум» — 5:3; «Трактор» — «Навбаҳор-Н» — 1:1; «Локомотив» — «Бухоро» — 1:0; «Сўғдиёна» — «Хоразм» — 4:0; «Тўпаланг» — «Машъал» учрашуви кечиктирилди.

Навбатдаги 11-тур учрашувлари 28, 29 май кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида «Нефтчи»ни қабул қилади.

КИМЛАР ЯРИМ ФИНАЛГА ЧИҚАДИ?

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида давом этаётган футзал бўйича VIII Осиё чемпионатининг «В» ва «D» гуруҳларида иккинчи тур беллашувлари якунланди.

«В» гуруҳи беллашувларида биринчи учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган Тожикистон ва Япония терма жамоалари иккинчи тур баҳсларида ҳам муваффақият қозонди. Дастлабки турда японияликлар футзалчилардан жавобсиз 12 та гол ўтказган Сянгань терма жамоаси бу гал Тожикистонга жиддий қаршилик кўрсатди. Бироқ, тожикистонлик чарм тўп усталари муҳим учрашувни ғалаба билан якунлади. Голларга бой бўлган баҳсда улар сянганликларни 6:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Японияликлар эса Ироқ терма жамоаси қаршилигини синдирди. Беллашувда Кунчиқар юрт вакиллари томонидан биринчи бўлимда киритилган бир жуфт гол уларга 2:0 ҳисобида ғалаба келтирди. Ярим финал иштирокчисини Япония ва Тожикистон терма жамоалари ўртасидаги учинчи учрашув аниқлаб беради.

AFC FUTSAL CHAMPIONSHIP UZBEKISTAN 2006

Мусобақанинг биринчи тур учрашувида Индонезия терма жамоаси устидан 8:4 ҳисобида зафар қучган таиландликлар бу гал Туркманистон терма жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди — 8:1.

Футзал бўйича етти карра Осиё чемпиони — Эрон терма жамоаси гуруҳ аутсайдери — Индонезия футзалчиларига қарши майдонга тушиб, пойтахтимиз мезбонлик қилаётган мусобақадаги энг йирик натижани қайд этди. Чемпионликка асосий даъвогар бўлган Эрон терма жамоаси индонезияликларни 20:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўз навбатида мазкур учрашувда эронликларнинг дарвозаси илк маротаба аниқ нишонга олинди.

Чемпионатда икки марта мағлубиятга учраган Туркманистон ва Индонезия жамоалари гуруҳдан чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди. Энди «D» гуруҳидан ярим финалга қайси жамоа йўлланма олишини Эрон ва Таиланд терма жамоалари ўртасидаги учинчи тур учрашуви ҳал этади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Қаҳрамон ҚАРШИЕВ, ЎзА махсус мухбирлари.

Умидли ёшларимиз

ҒОЛИБЛИК УЧУН БАРДОШ КЕРАК

4-9 май кунлари Қашқадарёда бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари – 2006» спорт мусобақаларининг республика финал босқичида Евгений Цой исми яна бир бор баралла жаранглади.

Аҳамиятлиси шуки, вилоятимиз вакили Евгений бу йил учинчи маротаба «Умид ниҳоллари» беллашувларининг финал босқичида спортнинг стол тенниси тури бўйича ғолибликни қўлга киритди. У бир неча бор ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, республика кубоги соҳиби, қатор халқаро турнирлар ғолибидир.

Биз унинг спортга кириб келиши, орзу-умидлари хусусида суҳбатлашдик. Евгений билан яқинроқ танишар эканмиз, унинг қалбида болаларча соддалик билан катталардек мулоҳазалилик уйғунлашиб бораётганлигини ҳис қилдик.

— Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди, — дейди у. — Ҳар бир ғалаба замирида тинимсиз ва машаққатли меҳнат, энг асосийси, юракда туғилган орзу-ниятлар ётади. Ана шу омиллар бирлашсагина, спортчини мақсадга элтади. Устозим Георгий Цойнинг панд-насиҳатлари, қимматли ўгитларига доимо амал қилишга интиламан.

— Нега айнан стол тенниси танлагансиз?

— Болалигимда барча тенгдошларим сингари футболга жуда қизиқардим. Кўча чангитиб, роса футбол ўйнардик. Бир куни акам Георгий мендан, «Стол тенниси тўгарагига қатнашасанми?» деб сўраб қолди. Иккиланмасдан розилик билдирдим. Ўшандаги илк машғулотлар, бу спорт тури менинг болаларча дунёимга яшиндек кириб келган. Дейлик, сузишними, югуришними, сакрашними танласам бўлардику. Лекин, бутун вужудим шу томон талпинди. Бироз муддат ўтиб, мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллай бошладим. Ўша вақтларда стол тенниси учун туғилгандек ҳис қилдим, ўзимни.

— Мусобақалар бошланишида хаёлингиздан нималар кечади?

— Биринчи навбатда мени ҳаяжон чулғаб олади. Фикримни бир жойга жамлаб, қатъиятлироқ бўлишга ҳаракат қиламан. Хаёлимда фақат ғалаба, муваффақият, деган сўзлар айланаверади. Агар шу мусобақада ғалаба қозонмасам, худди ҳаётим тўхтаб қоладигандай туюлади.

— Мағлуб бўлсангиз, кайфиятингизни қандай кўтарасиз?

— Агар ютқазиб қўйсам, ўзимни тинчлантиришга ҳаракат қиламан. Ҳаттоки, тунлари ўша вазият тушимга ҳам кириб чиқади. Бир оз муддат ўтгач, кейинги сафар албатта ютаман, деб ўзимни овутаман.

— Қашқадарёдаги финал мусобақалари оғир кечмадими?

— Саралаш мусобақаларида унча қийналмадим. Аммо, финалда Тошкент шаҳри вакили Евгений Грудский билан бўлган учрашув жуда оғир кечди. Сабаби, тенгдошимнинг ҳам ўзига яраша техник ва тактик тайёргарлиги кучли эди. Учрашув давомида ташаббус гоҳ у, гоҳ мен томонда бўлиб турди. Лекин шунча меҳнатларим, интилишларим зое кетмади, шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этишга муваффақ бўлдим.

— Ҳаётдаги шиорингиз?

— Ҳаммага ёрдам бериш ва албатта, биринчи бўлиш.

— Келажакдаги орзуларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз?

— Энг олий орзуларимдан, жисмоний тарбия институтида ўқиш, олимпиада ўйинларида иштирок этиш ва албатта, мамлакатимиз ҳамда вилоятимиз довруғини янада ошириш. Бунинг учун, аввало, спортчи тинимсиз меҳнат қилиши, ўзига бўлган ишонч масаласида ҳеч қачон иккиланмаслиги ва сабр-бардошини кучайтириб бориши лозим, деб ўйлайман.

— Жароҳат олиб, мусобақаларда иштирок эта олмай қолишдан кўрқмайсизми?

— Бундай вазият менинг ҳаётимда ҳам содир бўлган. 2004 йили олган жароҳатим туфайли бир қанча турнирларда иштирок эта олмадим. Спортдан бир оз муддат бўлсада чекиниб қолганлигим, тенгдошларимдан ортда қолаётганлигим менга қаттиқ таъсир кўрсатган. Аммо, шу кунларда соғлиғим жойида ва бундай нарсалар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайман.

Евгений билан суҳбатимизни якунлар эканмиз, унинг устози Георгий Цойнинг шогирди ҳақидаги мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Евгений тўгаракларга қатнаша бошлаганида, кичик жуссали ёшгина бола эди, — деди у. — Ўша пайтлари, вақти келиб, Евгений шу даражага эришади, дейишса, умуман ишонмаган бўлардим. Сабр-бардоши, қатъиятлилиги ва ўта меҳнаткашлиги самараси ўлароқ қаторасига учинчи маротаба «Умид ниҳоллари» мусобақаларида олтин медаль билан тақдирланди. Инсон сифатида у жуда саҳий, меҳрибон, софдил ва тўғрисўз. Биз Евгений билан машғулотларда устоз-шогирд, машғулотлар тугагач эса ҳамкор спортчи, ҳаётда эса ака-укамиз. Бу йил унинг олдида муҳим мусобақалар турибди. Турли чемпионат, биринчилик, турнирлар дегандек... Мен ёш, шижоаткор Евгенийнинг бу мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашишига ишонаман.

Отабек ЭЛТОЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-740. Адади 5847. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.
(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6